

## ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА БОЛА ТАРБИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ

*Муяссархон Абдуқаюмовна Каримова*

*Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар”  
кафедраси доценти.*

*Дилноза Ғуломжоновна Нажимидинова*

*Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар”  
кафедраси ассистенти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон худудида фарзанд туғилиши ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ урф-одатларда зардуштийлик элементларининг намоён бўлиши фалсафий таҳлил этилган. Мақолага кўра қадимдан бизнинг халқимиз болажон ва аёлларга меҳрибон бўлган. Она ва бола турли маросимлар асосида асраб авайланган.

**Калит сўзлар:** Фарзанд, урф-одат, зардуштийлик, анъана, бешик тўйи, соч тўйи, тушов кесди, муқаддаслаштириш, соч тўйи, чиллали, ёвуз руҳлар, жин ва шайтон.

**Аннотация:** В данной статье проводится философский анализ проявления элементов зороастризма в традициях, связанных с рождением детей и воспитанием детей на территории Узбекистана. Согласно статье, с незапамятных времен наш народ был добр к детям и женщинам. Мать и дитя сохраняются на основе различных ритуалов.

**Ключевые слова:** Ребенок, традиция, зороастризм, традиция, свадьба в колыбели, свадьба с волосами, стрижка тушов, освящение, свадьба с волосами, чиллали, злые духи, демон и сатана.

**Abstract:** This article provides a philosophical analysis of the manifestation of elements of Zoroastrianism in the traditions associated with the birth of children and the upbringing of children on the territory of Uzbekistan. According to the article, since time immemorial, our people have been kind to children and women. Mother and child are preserved on the basis of various rituals.

**Keywords:** Child, tradition, Zoroastrianism, tradition, wedding in the cradle, wedding with hair, cutting carcasses, consecration, wedding with hair, chillali, evil spirits, demon and Satan.

Инсоният бугунги кунда глобаллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Ушбу жараённинг кўплаб ижобий ва салбий жиҳатларини алоҳида қайд этган ҳолда, турли миллатлар, тил, урф-одат ва анъаналарга ҳам сезиларли таъсир қилмоқда. Глобаллашув жараёнлари таъсири натижасида дунё халқлари

маданияти ўзаро уйғунлашиб, миллий чегаралар ўзининг миллий ўзликка хизмат қилишдек азалий аҳамиятини қўлдан бой бериб, ана шу вазиятда аксарият миллатлар, миллий тиллар ва ноёб урф-одатлар йўқолиб, тарих қаърига юз тутаётганлиги ҳам сир эмас. Гарчи, ушбу муаммога БМТ, ЮНЕСКО сингари халқаро ташкилотлар бефарқ бўлмаса-да, бироқ унутилиб бораётган урф-одатларни сақлаб қолиш муаммоли масала ҳисобланади.

Дунёда турли халқларнинг қадимий ва ноёб урф-одатларини илмий асосда ўрганиш борасида ўтган асрлардан бошлаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ушбу жараён хали-ҳануз қизгин давом этмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ранг-баранг кўринишга эга бўлиб, этномаданий генофондни сақлаб қолиш муаммолари, ўзликни англашнинг тарихий, этнологик, фалсафий ва психологик жиҳатлари, этнослар турмуш тарзида архаик анъаналар ҳамда урф-одатлар ва қадимий эътиқодий унсурларнинг намоён бўлиши сингари қатор масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб полиэтник ва кўп конфессияли маданият қарор топиб, турли этнослар биргаликда истиқомат қилган ҳамда улар ўз эътиқодий қарашларига эга бўлган. Гарчи, эътиқодлар хилма-хиллиги анъанага айланган бўлса-да, тарихнинг муайян даврларида у ёки бу эътиқод устун мавқени эгаллаган ҳолатлар ҳам истисно эмас. Ана шундай диний эътиқодлардан бири – зардуштийлик бўлиб, гарчи ислом дини кириб келгач, унинг мавқеи пасайиб кетган бўлса-да, аммо кундалик урф-одат ва маросимлар таркибида зардуштийлик излари исломий қарашлар билан аралаш тарзда сақланиб қолган. Ўтган узоқ давр, айниқса, замонавий тараққиёт таъсирида урф-одат, анъана ва маросимларда кескин трансформация жараёнлари содир бўлаётганлиги айтиш ҳақиқат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2014 йил 21 июлдаги 200-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳам миллий ва диний урф-одат маросимларимизни сақлаб қолишга қаратилган.

Жумладан, юртимиз аҳолисининг фарзанд билан боғлиқ маросимлари( фарзанд туғилиши, бешик тўйи, соч тўйи, тушов кесди -бола оёғидаги

чигалликни ечиш ва суннат тўйлари) даги урф-одатларидан зардуштийлик элементлари мавжудлигини англаш қийин эмас.

Ўтмишда дунёнинг аксарият халқларида тарқалган кўзи ёриган аёлнинг нопоклик даври борасидаги муқаддас тушунча, яъни чилла даври амалда бўлиб, ушбу даврда аёл учун кўплаб тақиқлар жорий этилган.

Мазкур ирим ва эътиқодлар қолдиғи аجدодларимизнинг ёруғлик ва оловни муқаддаслаштириш билан боғлиқ мифологик тасаввурлари асосида шаклланган анъаналар сирасига киради. Қолаверса, чилла даври билан боғлиқ маросимлардаги турли тақиқ ва чеклашларнинг илдизлари қадимги зардуштийлик анъаналарига бориб тақалади. Зардуштийлар эътиқодига кўра, туғиш, касалликлар, ҳаттоки инсоннинг туғилиши ҳам жисмнинг мурдор, нопок, макруҳ бўлиши ва инсоннинг баркамол жисмоний ҳолати бузилишига олиб келган.

Этнолог олим А.А.Ашировнинг фикрича, ҳомиладорликдан фориг бўлган аёлнинг чилла даврида ўтказиладиган тадбирлари моҳиятан икки маънога эга бўлган: Биринчидан, чақалоқли аёл ёвуз руҳлар таъсирига осон тушиб қолиши ҳақидаги архаик тасаввурлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, чиллали аёл биологик жиҳатдан тоза бўлмаганлиги ҳисобга олиниб, у сув, нон, олов, овқат ва сугир сутини нопок қилиб қўйиши мумкин, деб ҳисоблаганлар<sup>1</sup>. Шунинг учун бўлса керак, бундай пайтда янги тукқан аёлларга нисбатан кўплаб табулар қўлланилади.

Бундан ташқари, янги туғилган чақалоқ ва онанинг саломатлигини асраш ҳамда кўз тегишидан сақлаш мақсадида воҳа ўзбеклари хонадонларида кўпинча илиштирик(четан) дарахтининг шохларини деворга илиб қўйиш одати мавжуд бўлиб, у келган меҳмонларнинг кўз кучи таъсирини қайтаради, деб ишонганлар. Этнограф Е.М.Пешерованинг маълумотига кўра, яғноб тожиклари ёш гўдакни ёвуз руҳлардан сақлаш мақсадида хонадон остонасига пичоқ қўйганлар<sup>2</sup>. Бундай удумни воҳа аҳолиси ўртасида ҳам кузатиш мумкин, хусусан, чақалоқ бош қисмидаги така (ёстиқ) остига пичоқ, қизил қалампир, туз ва нон қўйилиб, улар ўз навбатида, она ва чақалоқни кўришга келганларнинг назаридан сақлайди ҳамда ёвуз руҳлар, жин ва шайтонларнинг тушга кириб кўрқитиши ва чалиб кетишидан қайтаради, деб ишонганлар.

Инглиз олимаси М.Бойс таъкидлаганидек, маросимий покланиш оғир ва машаққатли жараён ҳисобланган<sup>3</sup>.

Зардуштийлик эътиқодида мавжуд бола туғилиши ва чилла даври билан боғлиқ урф-одатларга оид сув култи қонун-қоидаларига халқ орасида қатъий

<sup>1</sup> Boyce M.A. History of Zoroastrianism.... – P. 81.

<sup>2</sup> Пешерова Е.М. Ягнобские этнографические материалы. – Душанбе, 1976. – С. 66.

<sup>3</sup> Boyce M.A. History of Zoroastrianism.... – P. 306.

амал қилинган. Г.П.Снесаревнинг маълумотига қараганда, хоразмликларда ҳомиладор аёл енгил бўлганидан кейин етти кун мабойнида сув билан алоқадор жойлар: қудуқ, ариқ, канал ва дарё бўйларига йўламаслиги шарт бўлган<sup>4</sup>.

Янги ҳаётнинг илк даракчиларидан бири бўлган гўдакни бешикка белашда ҳам ўзига хос эзгу ниятлар мужассамлашган. Бешик чақалоқнинг соғ-омон улғайиши ҳамда тинч ва хотиржам ухлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Кўпчилик оилаларда бозордан янги бешик сотиб олиб, қариндош-уруғ ва кўни-қўшнилар иштирокида гўдакни бешикка солиш маросими ўтказилади. Маросим жараёнида болани илк бор бешикка солиш вазифасини ёши улғу момолар бажаради. Гўдакни бешикка белаш вақтида “умри узок бўлсин”, “бахтли бўлсин”, “кенг давлатли бўлсин”, деган орзу-тилаклар тилаб турилган. Маросим тугалланганидан кейин бешик устидан ўрик, жийда, писта, бодом ва конфетлар сочилган. Бешикнинг бош ва оёқ томонига ёвуз кучлар ва зиён-заҳматдан ҳимоя қилади, деган ишонч билан қуроқлардан учбурчак шаклда тикилган туморлар илиб қўйилган. Кўриб турганимиздек, зардуштийликда лаънатланган ёвузлик кучларидан қўрқиш ва улардан ўзига хос ҳимояланиш йўл-йўриқлари асрлар ўтса-да, халқнинг онгу шуурида сақланиб қолмоқда.

**Исм** – инсоннинг тақдирини белгилайди, деган нақл шунчаки айтилмаганлиги исбот талаб қилмайди. Энг аввало, оила аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда янги туғилган фарзандга исм қўйилган. Халқимизда бола исми билан туғилади, деган нақл бор. Ота-онанинг бола олдидаги дастлабки бурчи фарзандига тўғри ва маъноли исм қўйишдир. Қадимда аждодларимиз исм танлаётганда боланинг қайси уруғга мансублиги, қандай сулоланинг нечанчи авлоди эканлиги, унинг таваллуд топган вақти, жойи, саломатлиги, танасидаги алоҳида белгилари ва бошқа омилларга аҳамият берганлар. Ҳозирги кунда кўпчилик фарзандига ўтмишда ўтган буюк шахслар ва подшоҳларнинг исмларини қўйишни ёқтиради. Бобур, Темур, Жалолiddин ва Улуғбек исмлари шулар жумласидандир. Шунингдек, тириклик чоғида катта ҳурматга сазовор бўлган ва вафот этган кексаларнинг исмини қўйиш ҳам кенг тарқалган. ва эъзозланган исмнинг ўчмасдан давом этиши шу тариқа таъминланган.

Исм танлангач, болани бешикка солиш маросими ўтказилган. Гарчи, бу борада юқорида қисман тўхталинган бўлса-да, қайд этиш жоизки, бешик бола оёққа тургунча ётадиган ва яшайдиган уйи ҳисобланади. Ушбу кашфиёт қадим аждодларимизга тегишли бўлиб, мустаҳкам, қулай ва хосиятли битта бешик бир оиладаги ўн фарзанднигина эмас, уч-тўрт авлодни тарбиялаб, вояга етказиши мумкин<sup>5</sup>. Ёш оналар ихлос қилиб, мана шундай хосиятли, қадимий ва кўҳна бешикларда ўз болаларини улғайтиришни афзал кўрадилар. Ўзбек халқи шунинг

<sup>4</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.... – С. 139–142.

<sup>5</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари.... – Б. 13.

учун ҳам бешикни муқаддас билиб, уни ҳеч қачон ташлаб юбормаган, аксинча ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрган. Ушбу одат ўзбекларнинг нақадар болажон ва бағрикенг халқ эканлигини англади.

Боланинг ёстиғи тагига ризқи бутун бўлсин, деган ниятда нон қўйилади ва қўлига ёмон кўздан асраши учун кўзмунчоқлар тақилади. Шу ўринда бешик ичидан уч маротаба олов айлантирилиши эътиборга молик. Ушбу қадимий одат оловнинг муқаддаслаштирилиши, яъни оташпарастлик билан бевосита боғлиқ жараён эканлиги шубҳасиз. Олов барча ёвузликларни даф қилиб, бешикни жин, шайтон ва ёвуз девлардан тозалаб, бола учун хавфсизлигини таъминлашига ишонилган.

Юқорида таъкидланганидек, гўдак ва унинг онаси 40 кунгача “чиллали” саналган. Ушбу вақтда уларга таҳоратсиз инсоннинг кўзи тушиши мумкин бўлмаган, сабаби, агар шундай инсоннинг кўзи тушса, гўдакка чилла яраси тошиши, аёл эса дардманд бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобланган. Шунингдек, одатда, бешик тўйида иккита қўй сўйилган, шундан биттасининг гўштидан бешик тўйига келган меҳмонларга бешта оши ва сузма палов пишириб, тарқатилган. Иккинчи қўйнинг гўштидан эса чиллали аёлга шўрва, палов, гўмма, чучвара ва бошқа шу каби серқувват таомлар тайёрланиб, едирилган. Қирқ кунлик чилла даврида қувватли таомлардан имкон даражада тўйиб истеъмол қилган аёлнинг эса доимо сути мўл бўлиб, фарзандини икки ёшигача бемалол эмиза олган. Она сутининг бола учун қанчалик муҳим эканлиги тиббиёт томонидан исботланган бўлса, қадимий диний тасаввурларда ҳам унинг инсон учун сигир сутидан кўра аҳамиятли эканлиги уқтирилади.

“Нопок нарса инсонга асл ўлимни олиб келмаса-да, қисман ҳалокат келтиради. Инсон танасидан нимаики ажралса, у ўлик ҳисобланади ва ёвузлик мулкига айланади”<sup>6</sup>.

Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида боланинг биринчи марта олинган сочи тумор ичига солиниб, унинг дўпписига тақиб қўйилади. Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида эса “Соч тўйи”га тақлиф қилинган сартарош боланинг “қорин сочи”ни қирқиб олиб, онасига берган. Она эса ушбу сочи солиб, тумор тиккан ва боласининг тўйигача сандиқда сақлаган. Суннат тўйи куни ўша туморни боланинг бўйнига осиб қўйса, унга ҳеч қандай ёвуз куч дахл қилолмайди, деб ишонган.

Илк марта боланинг сочини олаётган сартарош гўдакни бошининг икки чеккасида бир тутамдан соч қолдирган. Кексаларнинг фикрича, қорин сочи болага қаратилган кўзларни қайтариш хусусиятига эга, яъни кўз-сукдан асраш мақсадида шундай қилинган. Сўнгра сартарошга зиёфат ва совға берилиб, рози

<sup>6</sup> Маковельский А.О. Авеста. – Баку: Қлим, 1960. – С. 128.

қилинган. Боланинг сочини олаётганда ҳар сафар ушбу кокилчалар қолдирилиб, бола 3 ёки 5 ёшга етганида суннат тўйида олинган. Бу ҳам ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, бу боланинг гўдакликдан ўсмирлик оламига қадам қўяётганлигини англатган. Кокилчалар аслида болани кўркам эмас, балки кўримсизроқ қилиб кўрсатиши сир эмас. Шундай экан, уларнинг асосий мақсади ҳам ёмон кўз ва назарларни қайтаришга қаратилган. Бундай қараш кўшни туркман ва қорақалпоқларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, фарзанднинг дастлабки сочини оловга ва сувга ташламаган, шунингдек, узоқ йиллар мобайнида боланинг дастлабки сочини асраб сақланган<sup>7</sup>.

Бундан ташқари, халқимизда сочининг турмагига қараб қиз болани турмушга чиққан аёлдан, кекса аёлларни эса ёш жувонлардан ажратиш мумкин бўлган. Ҳатто бош кийим (масалан, лачак)лар ва сочга тақиладиган тақинчоқлар ҳам бу каби фарқларни очиқ кўрсатиб турган. Демак, соч гўзаллик, ташқи таъсирлардан ҳимоя, ижтимоий фарқларни англатувчи ҳамда магик аҳамиятга эга восита саналган [9, 10, 11].

Қайд этиш мумкинки, халқ орасида урф бўлган маросимлар бесабаб эмас, улар маълум бир мақсад ва ниятни кўзлаган ҳолда ўтказилади ҳамда ушбу жараёнда барча хатти-ҳаракатлар кўзланган мақсадга тезроқ етишиш учун қаратилган бўлади. Маросимлар инсоннинг дунёга келишидан бошлаб то вафотига қадар давом этади, яъни инсон ҳаётининг асосий мазмунини қамраб олади. Шу сабабли инсон қаерда ва қандай муҳитда яшашидан қатъий назар, авлоддан-авлодга маънавий ва амалий мерос сифатида ўтиб келаётган оилавий, миллий қадрият даражасида кадрланиб, авайлаб-асраб келинаётган маросимларнинг асосий ижрочиси, давомчиси ва келажакка узатувчисидир [11, 12, 13].

Ҳар бир ўзбек хонадонида бола туғилиши муҳим воқеа бўлиб, унинг балоғатга етиш жараёнида бажариладиган удумлар она ва янги туғилган болани эҳтиёт қилиш мақсадини кўзлаган. Қадим Турон замини халқлари асрлар давомида ранг-баранг хўжалик соҳаларининг ривожланиши баробарида фарзанд саломатлиги ва тарбиясига ҳам катта эътибор берган. Ўзбекистон аҳолиси этник жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, авлодлар давомчиси бўлган онани эъзозлаш, туғилган чақалоқни соғлом улғайтириш билан боғлиқ маросим ва удумларида ўхшашлик томонлари мавжуд бўлиши билан бирга, географик ва этник хусусиятлардан келиб чиқиб, урф-одатларда муайян ўзига хослик, мазмун ва моҳиятида эса айрим фарқлар кузатилади [5, 6, 7, 8, 14].

Бола тарбияси ва саломатлигига эътибор ҳамда у билан боғлиқ ўғитлар масаласи зардуштийлик динида ҳам ўз аксини топган. Ҳозирги кунда халқимиз

<sup>7</sup> Суюнова А. Рождение и воспитание детей у туркмен-горожан. Ашхабад: Ўлим, 1993. – С. 85-86; Түрекеев К.Ж. Магические представления каракалпаков, связанные с детской обрядностью // ЭО. 2020. – № 5. – С. 85.

томонидан бу борада моҳиятини англаб-англамасдан бажарилиб, авлоддан-авлодга ўтиши жараёнида қисман трансформацияга учраб, янги урф-одатлар таъсирига йўлиқиб, ўзининг илк кўриниши ва асл моҳиятини ўзгартириб келаётган кўплаб маросим ва урф-одатларнинг илдизлари қадимий диний тасаввурларга бориб тақалиши, хусусан, уларнинг аксарияти зардуштийлик анъаналари таъсирида юзага келганлиги ўз тасдиғини топди [5, 6, 15, 16].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон муқаддас Ватан. Отабоболаримиз ҳоқиқат ер, ўзимиз яшайдиган ва ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қарич ерига меҳр-у муҳаббат уйғотиш-бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради, - деган эди. Қанчадан-қанча жаҳонга машҳур аждодларимиз мана шу заминимизда туғилиб ўсган, анъаналар-у халқ оғзаки ижоди уларни келажакда буюк бўлишларига асосий восита бўлиб хизмат қилган. Хоразмий, Фаробий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Ал –Бухорий, Термизий, Замахшарий, Яссавий, Ҳожиб, Югнакий, Навоий, Бобурдек мутафаккирларни; Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурдек буюк саркардаларни ҳам мана шу замин, анъаналаримиз, бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижоди тарбиялаб вояга етказган. Айниқса, шерюрак Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурларга кўпроқ «Алпомиш», «Рустамхон», «Тўмарис», «Широқ»дек халқ дostonлари ва афсоналари таъсир қилган бўлса ажаб эмас. Инсон оламга келиши биланоқ тарбияга муҳтож бўлади. Демак, она алласи воситасида атрофга тийран боқадди, катталардан ёрдам, маънавий кучкуват олади ва унинг маънавий-ахлоқий сифатлари шакллана бошлайди [ 17, 18].

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Boyce M.A. History of Zoroastrianism...P– Б. 81.
2. Пещерова Е.М. Ягнобские этнографические материалы. – Душанбе, 1976. – С. 66.
3. Boyce M.A. History of Zoroastrianism....P-306
4. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.... – С. 139–142.
5. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари.... – Б. 13.
6. Маковельский А.О. Авеста. – Баку: Ёлим, 1960. – С. 128
7. Суюнова А. Рождение и воспитание детей у туркмен-горожан. Ашхабад: Клым, 1993. – С. 85-86;
8. Турекеев К.Ж. Магические представления каракалпаков, связанные с детской обрядностью // ЭО. 2020. – № 5. – С. 85.

9. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. Обряды, связанные с посещением мазаров у женщин Ферганы: традиция и современность //Международный научно-исследовательский журнал. – 2015. – №. 6-4 (37). – С. 72-74.
10. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
11. Abduqayumovna K. M. INTERACTION OF OBJECT, SUBJECT AND SYNERGETIC CATEGORIES IN SCIENTIFIC WORK //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 25-29.
12. Каримова М. Improving technical philosophy and changing human thinking //O 'zbekiston milliy universiteti xabarлари, 2022,[1/5] issn 2181-7324.
13. Абдуллаев, Улугбек Сайданович, and Рафик Сотволдиевич Атаханов. "ИЗ ИСТОРИИ УЗБЕКСКО-КИРГИЗСКИХ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ (ПО МАТЕРИАЛАМ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)." Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 2 (2014): 120-124.
14. Abdullayev U. S. TRAINING OF HIGHER EDUCATION PEADGOGICAL CADRES IN UZBEKISTAN DURING THE INDEPENDENCE YEARS: PROBLEMS AND SOLUTIONS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 7. – С. 125-129.
15. Абдуллаев У. С., Каримова М. А. основные направления традиционных межэтнических процессов в ферганской долине (XIX–XX в. в) //Социально-гуманитарный вестник Юга России. – 2014. – №. 4. – С. 3-7.
16. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар //XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс. – 2005. – Т. 2006. – С. 5.
17. Абдуллаев У. С. Изучение однонациональных и национально-смешанных семей в сельских местностях Андижанской обл //Новое в этнографии. – 1989. – №. 1. – С. 85.
18. Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины : дис. – Ин-т истории, 1991.